Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 67 (2962) СЕШАНБА 23 март 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

▲ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Буюк Британия ҳукуматининг таклифига биноан 22 мартда расмий визит билан Москвадан Лондонга жўнаб кетди. Ўртоқ А. А. Громико шу куни Лондонга етиб келди.

▲ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР 50 йиллиги номидаги Сирдарё ГРЭСи қурувчилари, монтажчилари, ишчилари, лойиҳачилари коллективларини — иншоотнинг ҳамма қатнашчиларини тўртинчи энергетика блоки ишга туширилганлиги ва станциянинг 1 миллион 200 минг киловатт қувватли биринчи навбати муддатидан илгари тугалланганлиги билан қизгин табриклайдилар.

▲ Кеча Тошкент область партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда область партия комитети биринчи секретари М. М. Мусахонов КПСС XXV съезди якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик билан КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга табрик хати қабул қилдилар.

Коммунист С. Ерхов «Таштекстильмаш» заводи асбобсозлик цехининг илғор пресслаш участкасида бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Зарбдор коммунист бошчилик қилаётган коллектив ўнинчи беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТАШАББУС КЎРСАТИБ, САМАРАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК!

17 апрель—коммунистик шанбалик куни

Уюшқоқлик билан

— В. И. Ленин туғилган куннинг 106 йиллиги шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбаликда ҳамма бир кишидек қатнашади, — деди Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган митингда корхонанинг зарбдор бичувчиси Г. Закритная. — Коммунистик шанбаликда зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, смена топшириғини икки ҳисса ошириб бажаришга эришаман.

Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарган илғор бичувчининг таклифини кўплаб ишчилар қўллаб-қувватладилар. Митингда сўзга чиққан 2-тикувчилик цехининг ишчиси С. Глебова ҳамда тайёрлов цехининг назоратчиси Г. Лохова каби меҳнат пешқадамлари коммунистик шанбалик куни 1,5 норма бажаришга қарор қилдилар.

Коммунистик шанбалик куни корхона чеварлари иқтисод қилиб қолинган хом ашёдан 2800 дона, яъни ҳаммаси бўлиб 160 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бирлашмада асосий касбдаги 2200 киши ўз меҳнат участкаларида туриб ишлайдилар. Корхонанинг бўлимлари ва ёрдамчи хизмат ходимларидан 700 киши ободонлаштириш ишларида қатнашади.

Бирлашмада тикувчиларнинг меҳнат ҳақидан тушадиган 4,5 минг сўмлик маблағи беш йиллик фондига ўтказилади.

Қандолатчилар аҳди

«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 106 йиллиги шарафига меҳнат байрами ўтказиш тўғрисидаги москваликларнинг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Корхонада коммунистик шанбалик ўтказишга бағишланган митинг бўлиб, унда ишлаб чиқариш зарбдорлари сўзладилар.

— Коллективимизда, — дейди сироп пиширувчи С. Собиров, — апрель ойининг учинчи шанбасида коммунистик шанбалик ўтказиш анъана тусига кириб бормоқда. Ўша куни бутун имкониятларни ишга солиб, одатдаги кунларга нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришамиз.

— Корхонамизда В. И. Ленин туғилган куннинг 106 йиллиги шарафига ўтказиладиган «Қизил шанбалик»да ҳамма иштирок этади, — деди фабрика партия бюросининг секретари В. Толстошеев. — Ўша куни барча участкаларда юқори унумдорликка эришилади.

Митинг қатнашчилари 17 апрелда ўтказиладиган коммунистик шанбаликни уюшқоқлик билан ташкил этиш учун тадбирлар белгилашди. Меҳнат байрамида ҳаммаси бўлиб 85 тонна кондитер маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Бу одатдаги нормадан 5 тонна кўпдир. Корхонанинг техника хизмати ходимлари эса фабрика территориясини ободонлаштириш ишларида қатнашади. 2000 тупдан зиёд дарахт ва гул кўчатлари ўтказилади. 250 метр ариқ ва зовурлар тозаланади. Корхона территориясида 1,5 гектар ер ободонлаштирилади. Шанбаликдан тушган 2300 сўм маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси Юрий Кожевников агрегат заводининг муваффақиятларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ишлаб чиқариш новатори редукторлар учун деталлар тайёрлаш топшириғини мунтазам 120 — 130 процент бажаради.

Кўркам ва нафис

Бугун

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ПОЙАФЗАЛ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЯНГИ МОДЕЛЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ БАДИИЙ КЕНГАШНИ ЎТКАЗДИ. Унда ишлаб чиқариш илғорлари, мутахассислари, моделчилар, савдо ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Шу муносабат билан ташкил этилган пойафзалларнинг кўргазмасида баҳор ва кузги мавсум учун мўлжалланган эркаклар, хотин-қизлар, болаларнинг пойафзаллари намойиш қилинди. Улар замонавий материаллардан кўркам ва нафис қилиб ишланганлиги билан диққатга сазовордир. Кўпгина маҳсулотлар яқин кунларда ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

А. ЗАРИПОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

▲ Оққўрғон районида район бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари иштирокида сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчиларнинг ўтказилган семинар — кенгашида 500 дан зиёд киши қатнашди. Унда Ўзбекистон ССР прокурори Н. Бўрихўжаев «КПСС XXV съезди якунлари ва ўнинчи беш йилликдаги вазифалар тўғрисида» доклад қилди.

▲ Аблиқ норуда материаллари карьерида новаторларнинг бир группаси янги технология потогини такомиллаштириш бўйича ихтирочилик таклифини ишлаб чиқаришга тадбиқ этдилар. Натижада меҳнат унумдорлиги 18 процент ошди. Йиллик иқтисодий фойда 5,5 минг сўмдан иборат.

▲ Область партия комитетининг қурилиш бўлимида ўтказилган кенгашда Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» номли совхозда тажриба-намуна посёлканинг қурилиши муҳокама қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 23-трестнинг бошқарувчиси Э. Акрамовнинг ҳисоботи тингланди. Йиғилишда посёлка қурилиши ишларининг план бўйича олиб борилиши ва келгусида бажарилиши лозим бўлган тадбирлар белгилаб чиқилди.

▲ Область партия комитетининг сиёсий маориф уйида шаҳар ва район партия комитетлари ҳамда йирик корхоналар партия комитетлари партия кабинетлари мудирларининг семинар-кенгаши ўтказилди. Область партия комитети сиёсий маориф уйи мудири З. М. Конопко «Партия, комсомол маорифи ва иқтисодий таълим системасида КПСС XXV съезди материалларини ўрганиш методикаси» ҳақида доклад қилди.

ҲАЙДОВЧИЛАР ЮТУҒИ

«Узмежавтотранс» бошқармасига қарашли 56-автотранспорт корхонаси ҳайдовчилари, инженер-техник ходимлари партиямиз XXV съезди қарорларига жавобан шу кунларда катта меҳнат кўтаринкилиги билан ишлаяптилар.

Икки ойлик планни муддатидан илгари ошириб бажарган коллектив биринчи квартал топшириғини адо этиш арафасида турибди. Ҳайдовчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли шу йилнинг ўтган кунларида планда белгиланганидан 25 минг тонна кўп халқ хўжалик юклари ташиб берилди. Ҳайдовчилар юк ташиш планларини ошириб бажариш билан бирга ёнилғи материалларидан тежаб-тергаб фойдаланмоқдалар. А. Отабеков, П. Бабровский, Н. Антонов, К. Шокиров сингари ҳайдовчилар бу муваффақиятларга катта ҳисса қўшишяпти. Улар шу кунларда май ойи ҳисобига халқ хўжалик юклари ташимоқдалар.

С. АЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ ГЎЗАЛ ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

«ҒАЛАБА» ХИЁБОНИ

Киров районидаги мактаб ўқувчиларидан 5200 киши Юнусобод массивидаги «Ғалаба» боғининг кўркам бўлишида актив иштирок этишмоқда. Кечаги шанбаликда ўқувчилар бу ерга 2500 дона мевали ва манзарали дарахт ўтказишди.

Якшанба куни бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида эса 12522 ўқувчи, икки минг ўқитувчи қатнашди. Улар мактаб территорияларини чиқиндилардан тозалашди ва ўзларига бириктирилган кўчаларда ободончилик ишларини олиб боришди. Шу куни 15200 метр ирригация шохобчалари, 3850 квадрат территория чиқиндилардан тозаланди. Фақат икки кун мобайнида 80 минг туп дарахт, 520 минг яшил тўсиқ, 250 минг дона ранг-баранг гуллар ўтказилди.

Район ўқувчилари зиммаларидаги 2500 дона ўрнига 2870 туп мевали ва манзарали дарахт, пландаги 5 минг ўрнига 5630 туп яшил тўсиқ ўтказдилар. Ўқувчиларга 2515-автоколонна машиналар билан ёрдам кўрсатди.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Ташаббускор Чилонзор район меҳнаткашлари янги Тошкент қурилишининг ўн йиллиги муносабати билан шаҳримизда олиб борилаётган ободонлаштириш уч ойлигида намунали меҳнат қилиб, кўчат ўтказиш бўйича зиммаларига олган планни муддатидан илгари бажардилар.

Кеча бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида район меҳнаткашлари ва ўқувчиларидан 60 минг киши иштирок этди. Бунда «Узоргтехстрой» трестидан 70 киши қатнашиб, «Мелодия» магазини ёнидаги хиёбонда ободончилик ишларини олиб боришди. Улар ўтган йили ўтказилган дарахтлар тагини юмшатишиб, оқлашди. Район соғлиқни сақлаш бўлимидан 300 киши иштирок этиб, Халқлар дўстлиги кўчасида ва Ўзбекистон 50 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғида меҳнат қилишди. Иқтисод техникумининг 80 студенти ҳам ана шу боғнинг янада кўркам бўлишида қатнашди. Райондаги 138, 188-мактаб ўқувчилари кўкрак хирургияси институти ёнида хиёбон ташкил қилишмоқда.

Ободонлаштириш бошқармасидан 400 ишчи қатнашиб фақат Халқлар дўстлиги кўчасининг ўзига 100 туп дарахт, 3 минг дона яшил тўсиқ ўтказишди. Ҳашарчилар ихтиёрида 95 та машина, 12 та бульдозер, учта автогрейдер, 5 та экскаватор ва 5 та автокран бўлди.

НАМУНА БЎЛИБ

Ўрта Осиё темирйўли бошқармаси меҳнаткашлари ободонлаштириш уч ойлигида бажариладиган ишларнинг ярмисини бажариб бўлишди. Территория ва майдонларга минг туп яшил тўсиқ, кўплаб дарахт ўтказилди. 3 гектардан иборат хиёбон эса кўкаламзорлаштирилмоқда.

Т. Шевченко кўчасини оталиққа олган бошқарма меҳнаткашлари бу ердаги ирригация шохобчаларини чиқиндилардан тозалашиб, дарахтлар тагини оқлашмоқда.

М. Кальнянский, Э. Боймуҳамедов, Я. Стансис ва В. Понякинлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

ИШЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Бинокорларимиз КПСС XXV съезди арафасида «Шарқ» мебель бирлашмасининг коллективи учун тўрт қаватли замонавий бинони қуриб беришди. Фирма ишчилари ҳозир ана шу бино атрофига кўчат ўтказиб, ободонлаштириш ишларини олиб боришмоқда. Бунда Ш. Шомов бошчилик қилаётган ободонлаштириш бригадаси аъзолари жонбозлик кўрсатишмоқда. Бино атрофидаги 1,5 гектар майдон хиёбонга айлантирилиб ранг-баранг гуллар ўтқазилди.

Бирлашмага кираверишдаги майдонда эса ҳашарчилар хиёбон ташкил қилишиб, унинг атрофини мармар тошлар билан қопламоқда. Улар янги Тошкент қурилишининг ўн йиллиги муносабати билан шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш уч ойлигида 925 дона мевали ва манзарали дарахт, минг тупдан ортиқ гул кўчатлари ва 5 минг дона яшил тўсиқ ўтказишга аҳд қилишган.

Т. НАЖМИЙ.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛМОҚДА

Чилонзор район меҳнаткашлари ободонлаштириш уч ойлигида зиммаларига олган кўчат ўтказиш планини муваффақиятли адо этишди. Улар районларини янада кўркам қилиш учун қўшимча кўчатлар ўтказишмоқда. Бу кўчатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон 50 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғига, Ҳамроқул Турсунқулов, Султон Сегизбоев кўчаларига ўтказилмоқда. Район ободонлаштириш бошқармаси коллективи бу ишда ҳашарчиларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Агрегат заводи ишчилари ободонлаштириш уч ойлигида актив иштирок этишмоқда. Улар шанба ва якшанба кунлари ҳашарга чиқиб, корхона территориясини ободонлаштиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

СУРАТДА: завод территориясида ободончилик ишлари олиб борилмоқда. М. Нуриддинов фотолари.

МИРЗАЧЎЛ ЖОЗИБАСИ

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правленияси Мирзачўлнинг 20 йиллик навқирон ёшини бадиий бўёқларда акс эттириш учун махсус кўргазма тайёрлаш ишларини бошлаб юборди.

Бугун

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Бахтиёр Бобоев бошчилигидаги ёш рассомлар группаси Сирдарё ва Жиззах областларида ўтказган ижодий сафарни ниҳоясига етказдилар. Улар шу ойнинг ўзида чўлни ўзлаштиришда қатнашган ажойиб меҳнат қаҳрамонларининг ҳаётини ўрганиш, табиат гўзаллигини полотнога тушириш ишлари билан банд бўлдилар. Ёш рассомлардан А. Мўминов, К. Губайдуллин, Р. Эминов, И. Баҳромов, М. Поруб ва бошқалар ранг-баранг материал тўплашди. Улар келгусида Мирзачўл ҳаётини ва бугунги нафасини картиналарида акс эттирадилар. Бу ёш рассомлар ўз истеъдодларини Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездига бағишланган бадиий кўргазмада ҳам намойиш этишган эди.

ХАЛҚАРО КИНО КЎРИГИГА

Шу ҳафтада Венгрия Халқ Республикасида болалар ва ўсмирлар учун яратилган бадиий кинофильмларнинг халқаро кўриги ўтказилади.

Бугун

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ ТАНИҚЛИ КИНОРЕЖИССЁРИ ДАМИР САЛИМОВ АНА ШУ ХАЛҚАРО КИНО КЎРИГИГА ЖЎНАБ КЕТДИ. У Венгрияда ўтказиладиган санъат байрамида ўзининг «Пойга автомобилидаги шоввозлар» бадиий фильмини намойиш қилади.

Ўзбек кинорежиссёрининг «Тоғлар чорлайди», «Олмос» деб аталган картиналари ҳам ана шундай кўрикларда муваффақиятли намойиш этилган. Ҳозирги пайтда у шоир Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» повести асосида янги бадиий фильм яратиш устида ҳам ижодий иш олиб бормоқда.

Делегат билан учрашув

Пойтахтимиз коллективларида тошкентликларнинг КПСС XXV съезди делегатлари билан учрашувлари давом этмоқда. Кеча мамлакат коммунистлари анжуманининг делегати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, «Ташинжстрой» трестининг бошқарувчиси А. Абдуқодиров билан «Главташкентстрой»нинг «Ташинжстрой», «Таштрансспецстрой», «Оргтехстрой» трестлари ходимлари учрашдилар.

А. Абдуқодиров йиғилганларга съезд иши ҳақида, яқин йилларда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари, ўнинчи беш йилликда шаҳар қурувчилари олдида турган катта ва масъулиятли вазифалар тўғрисида гапириб берди.

Х. КАРИМОВА.

• Умри боқий дўстлик

Москва театри Тошкентда

Бугун

ТОШКЕНТНИНГ СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА МОСКВА ТАЖРИБА — ТЕАТР СТУДИЯСИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ БОШЛАНДИ. Улар шаҳримиз томошабинларига Вс. Вишневскийнинг «Оптимистик трагедия» деган икки қисмдан иборат музикали драматик ораториясини намойиш этишди. Улар бундан ташқари «Вестсайд воқеаси», «Тонгдаги шаҳар» асарларини ҳам кўрсатишади.

Бундан бир неча йил муқаддам совет театр санъатининг янги йўналиши бўлган «Союзконцерт» қошида Москва тажриба театр — студияси ташкил этилган эди. Бу санъат даргоҳининг ташкилотчиси ва бадиий раҳбари Геннадий Юденич замонавий саҳна асарларини тайёрлашда кўп меҳнат сарф қилди. Коллектив ёш бўлишига қарамай, қисқа вақт ичида санъат шинавандаларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Москва театри ўз санъатини Ленинград, Ульяновск шаҳарлари, Украина республикаси, Урал ва Болтиқ бўйи ўлкаларида бир неча бор намойиш этиб, томошабинларнинг олқишига муяссар бўлган.

Шу кунларда Ватанимиз пойтахти Москвадан келган меҳмонлар республикамиз шаҳарлари бўйлаб гастрол сафарини ўтказишмоқда. Улар Самарқанд ва Навоий шаҳарларида бўлишди.

Пойтахт санъаткорлари шаҳримизда ўз ҳамкасблари билан учрашадилар ва ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи ва хизматчилар билан суҳбатлашадилар.

А. РЎЗИЕВ.

телетайп лентасидан

▲ ПРАГА. Михайловец шаҳрида янги уйсозлик комбинати фойдаланишга топширилди. Комбинат ҳар йили икки мингта квартира учун қурилиш конструкциялари ишлаб чиқаради. Бу — Совет Иттифоқининг ёрдами билан Чехословакия Социалистик Республикасида қурилган тўртинчи уйсозлик комбинатидир.

▲ ОТТАВА. Канада статистика бюросининг хабар беришича, 1975 йилнинг сўнгги кварталида мамлакат тўлов балансининг дефицити 100 миллион доллар кўпайган. Умуман 1975 йилда бу дефицит рекорд миқдорга — 5 миллиард 74 миллион долларга етган.

▲ КАРОЧИ. Покистоннинг экспорт савдоси билан шуғулланувчи барча корпорациялари ва фирмалари шу йил 1 апрелдан бошлаб ўлчов ва тош-торозининг метрик системасига ўтиши бу ерда расмий суратда эълон қилинди.

▲ АДДИС-АБЕБА. Эфиопияда ҳафталик «Бериса» («Тонг») газетасининг биринчи сони чиқди. Янги газета Эфиопияда энг катта элатлардан бири бўлган оромо тилида нашр этилади.

Бу эса Эфиопия маъмурлари барча майда миллатларнинг социал ва маданий тенглигини таъминлашга интилаётганлигини кўрсатувчи янги далилдир. Бундай майда миллатлар феодал-монархия режими даврида қаттиқ эзилар ва камситилар эди.

▲ НЬЮ-ЙОРК. Иқтисодий тушкунлик ва ишсизларнинг кўпайиши ўтган йили Нью-Йоркда жиноятчиликнинг кескин равишда кўпайишига асосий сабаб бўлди. Полиция жиноятларни анализ қилиш асосида ана шундай хулосага келди. 1975 йилда шаҳарда жиноятлар сони 11,8 процент кўпайди.

▲ НАЙРОБИ. Сўнгги йилларда Кениянинг жанубий районларида қаттиқ қурғоқчилик рўй берган эди. Бу ерда яна табиий офат бошланди. Ёмғир ёғмаганлиги сабабли баъзи жойлардаги дарёлар ва бошқа ҳовузлар бутунлай қуриб қолди. Қурғоқчилик чорвачилик билан деҳқончиликка катта зарар етказди. Ичимлик сув етишмаяпти.

Ҳукумат зарар кўрган районларнинг аҳолисига ёрдам бериш учун шошилинч чораларни кўрмоқда.

(ТАСС).

ОБ-ҲАВО

Тошкент шаҳри ва областида бугун кечаси ва эртага кундузи ҳаво ўзгариб туради. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат бугун кечаси 5 даража иссиқ, эртага кундузи эса 7—12 даража иссиқ бўлади.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ГАЗЛАМАЛАР, ТРИКОТАЖ ВА ТИКИЛГАН БУЮМЛАР, ПОЙАФЗАЛ, КИЙИМ-КЕЧАКЛАР, ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ МУЙНАЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН БУЮМЛАР, ОММА КУП ТАЛАБ ҚИЛАЁТГАН БОШҚА МОЛЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИЛСИН ВА УЛАРНИНГ ХИЛЛАРИ КУПАЙТИРИЛСИН.

(«1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»дан).

Бадиий буюмлар фабрикаси коллективи КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этмоқда. Корхонада меҳнат илғорлари сони ой сайин ортиб бормоқда. Мана, бу суратда: попоп цехининг пешқадам ёш чеварларидан (чапдан-ўнгга) Салима Ҳошимова ва Шоира Муҳамедовалар тасвирланган. Улар доимо смена-ойлик топшириқларини 120—130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

ИНТЕНСИВЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШГА ЭЪТИБОР

«ШОГИРД — МУРАББИЙГА ТЕНГЛАШСИН»—ВЕТЕРАНЛАР ШИОРИ

ТУҚИМАЧИЛАРНИНГ МАРРАЛАРИ

КПСС XXV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ А. Б. БУРҲОНОВ КОММУНИСТЛАР АНЖУМАНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

Тошкент тўқимачилик комбинати директори, КПСС XXV съезди делегати А. Б. Бурҳоновнинг коммунистлар анжумани иши ҳақидаги ҳикоясини тинглаш учун юзлаб кишилар келишди. Гагарин номли Маданият саройининг катта зали кишилар билан лиқ тўлди. Бу ерда тўқимачиларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Осим Бурҳонович съезддаги ишчанлик, коммунистик қурилишнинг улкан вазифаларини ҳал этиш учун чуқур қизиқиш муҳитини яхши тасвирлаб берди.

— Съезднинг ҳар бир куни ҳаётимда ўчмас из қолдирди, — деди у. — Лекин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетига ҳисоботи бўйича қилган доклади, энг кучли, ўчмас таассурот қолдирди. Бу ижодий марксизм-ленинизмнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатидир.

Айниқса Л. И. Брежневнинг саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш, маҳсулот сифати ва ассортиментини яхшилаш соҳасида улкан резервлар мавжудлиги ҳақидаги сўзлари эсда қолди.

Саноатнинг енгил саноат қарайдиган «Б» группасини тинмай юксалтириш учун бу соҳага ҳозирги фан, конструкторлик фикри ютуқларини жадал жорий этиш, соҳанинг техник базасини мустаҳкамлаш лозим. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган саноат ходимлари вазифаси ҳақида гапириб, Л. И. Брежнев: «Ўртоқлар, совет кишиларининг фаровонлиги ҳам, кайфияти ҳам сизларга, сизларнинг меҳнатингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни эсдан чиқарманг. Ташаббус кўрсатиб, яхши ишлангиз, илғорларга тенглашингиз. Партия сизларни шунга даъват этмоқда. Сизлардан шуни кутмоқда», — деди.

— Бу даъват, — дейди нотиқ, — Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Участкаларда кундан-кунга ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бутун коллектив ҳозир ишга тушириладиган янги резервларни излаш билан банд.

Тўқимачилар съезд арафасидаёқ янги марралар учун курашни бошлаб юборган эдилар. Ишлаб чиқариш илғорлари бирин-сирин ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқдилар. Жумладан, 2-фабрика тўқувчиси Анна Сергеевна Верзилина «Шогирд—мураббийга тенглашсин!» шиори остида меҳнат қилиш ташаббуси билан чиқди. Анна Сергеевнанинг шогирдлари — яқиндагина 85-ҳунар-техника билим юртини тамомлаб келган Тоня Молодова ва Светлана Фасхуддинова ҳозирданоқ типовой нормадаги 24 станок ўрнига 30—33 станокка хизмат кўрсатишяпти.

Анна Сергеевнанинг ўзи эса, худди Лидия Казанцева сингари, 48 станокка хизмат кўрсатяпти. Шогирдлари билан бирга у съезд очилиши шарафига биринчи квартал планини муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча бир неча минг метр газлама ишлаб чиқарди.

А. С. Верзилинанинг ташаббусини ҳозирнинг ўзида 440 ишлаб чиқариш илғори қўллаб-қувватлади. Улар қўлида 520 ёш ишчи маҳорат сирларини ўрганишяпти. Тахминий ҳисобларга қараганда, ёш тўқувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириши туфайли комбинат бу йил йигирилган ип миқдорини 52 тоннага, хом сурупни эса 1 миллион 130 минг метрга кўпайтиради. А. С. Верзилина ўз олдига яна битта масъулиятли вазифа қўйди: у беш йиллик мобайнида икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олди. Тўқувчилар В. И. Солдатова, Н. В. Ершова, В. И. Тараканова, илғор йигирувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева, унинг сменчиси Л. С. Герасимова, В. Е. Костерина ва бошқалар ҳам худди шундай мажбурият олишди.

Ҳозир «Бир беш йилликда — икки беш йиллик топшириғини бажарамиз!» шиори остида комбинатда 1190 ишчи меҳнат қиляпти. Улар кун сайин иш суръатини тезлаштиришяпти.

Биринчи тўқувчилик фабрикаси мастер ёрдамчиси С. А. Зиновьев қимматли ташаббус билан чиқди. У ҳамкасбларини «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати!» шиори остида ишлашга даъват этди. Уз бригадаси билан бирга у барча маҳсулотни биринчи сортга топширяпти. С. Зиновьев ташаббусини 12 бригада қўллаб-қувватлади.

Цехларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жадал суръатлар билан боряпти. Агар тўққизинчи беш йиллик мобайнида бутун комбинатда 1800 та технологик ускуна ўрнатилган бўлса, фақат 1976 йилнинг ўзида 1420 та янги машина ва станокни ишга тушириш мўлжалланяпти. Бир пайтнинг ўзида оғир иш жараёнларини механизациялаш бўйича катта ишлар амалга оширилади.

Барча тадбирларни амалга ошириш натижасида 250 кишидан бошқа ишларда фойдаланилади, комбинат бўйича меҳнат унумдорлиги 2,5—3 процент ортади. Иллик тежам бир ярим миллион сўмга яқинни ташкил этади.

Коллектив ўз ишида барча янги, илғор тажрибалардан фойдаланишга интиляпти. Бу — тушунарли албатта: беш йилликнинг биринчи йилида 197 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш лозим. Бу 1975 йилда реализация қилинганидан 2 миллион 300 минг сўм кўп.

Йигирилган ип ўтган йилга нисбатан 500 тоннага, тайёр газлама эса 8,2 миллион метрга кўпаяди. 1980 йилда йигирилган ип ишлаб чиқариш 54,4 процент, хом суруп 55 процент, тайёр газлама эса 30,6 процент кўпайиши лозим. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳамма ўсишига асосан меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига эришилади.

Тўқимачилар ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида маҳсулот сифатини яхшилашга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Бу йўналишда меҳнатни ташкил этишнинг энг самарали методлари тинмай изланаяпти.

Коллективнинг зўр бериб ишлаши натижасида дастлабки ютуқлар қўлга киритилди: икки хил газлама — «Ягодка» ва малмал Давлат Сифат белгисини олди. «647» артикулли сатинни ҳам Давлат Сифат белгисига аттестациядан ўтказишга тайёргарлик кўриляпти.

Олдинда янада масъулиятли вазифалар турибди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида 5 мингга яқин янги ускуна ишга туширилиши керак. Биринчи йигирув-тўқув, пардозлаш фабрикалари, ип фабрикасининг бўяш цехини реконструкция қилиш лозим. Партия планларини амалга ошириш учун кураш тобора қизиб бораётганлиги барча белгиланган вазифалар сўзсиз бажарилишига ишончни мустаҳкамлаяпти, дейишмоқда тўқувчилар.

Йиғилишда 1-фабрика тўқувчиси Н. Ершова, ип фабрикаси калаваловчиси З. Ҳайдарова, пардозлаш фабрикаси накатчиси Б. Деревянко, комбинат партия комитети секретари В. К. Мимрина ўртоқлар сўзлашди. Улар КПСС XXV съезди қарорларига жавобан юзага келган меҳнат ташаббускорлиги ҳақида жуда кўп мисоллар айтдилар.

Шу билан бирга коллективнинг олға интилишига халақит бераётган камчиликларни тезроқ бартараф қилиш лозимлиги ҳақида ҳам сўз юритилди. Меҳнат интизоми бузилиши ҳолларига, ускуналарнинг бекор туриб қолиш ҳолларига чек қўйиш керак. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш вазифасини ҳал этиш лозим. Ҳал этилишини кутиб турган бошқа вазифалар ҳам анчагина.

Партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун барча куч ва билимимизни сарфлаб меҳнат қиламиз — тўқимачилар йиғилишидаги доклад ва нутқлардан келиб чиқадиган асосий хулоса мана шундай.

М. ИЛЬИН.

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилини кўтаринки руҳ билан бошлаб юборган кўплаб қурилиш ташкилотлари қатори «Ташсантехгазмонтаж» трестига қарашли 2-монтаж бошқармаси коллективининг ҳам меҳнатда қўлга киритаётган муваффақиятлари чакки бўлмаяпти. Бинокорлар ўтган икки ой ичида шаҳримиз объектларида 407 минг сўмлик сантехника ишларини адо этиб, меҳнат унумдорлиги планини 125 процентга етказишди.

Бошқармада 17 та бригада бўлиб, улар ўзаро бир-бирлари билан мусобақадош. Ҳар бир коллектив бу беллашувда ғолибликни қўлга киритиш учун ўз топшириқларини муддатидан илгари бажаришга ҳаракат қиляпти. Айниқса, А. Манухов, Ю. Захаров, В. Тимофеев, Я. Ахмедшиналар раҳбарлигидаги коллективларнинг меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бирга, бош пудратчиларга иш фронти яратиб беришда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Айни кунларда бригада коллективлари ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб, тобора юксак чўққилар сари одимламоқдалар.

М. РАҲИМОВА.

Қишлоқ аҳли ҳузурида

Киров районидаги олий ўқув юртлари, техникумлар ва илмий муассасаларнинг бир группа олимлари Жиззах областидаги оталиққа олинган Зомин райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳузурида меҳмон бўлишди. Улар колхоз клублари, кутубхоналар ва жамоатчилик жойларида КПСС XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган Ҳисобот доклади мазмунини дала меҳнаткашларига тушунтириб бердилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, фалсафа фанлари кандидати М. Абдуллаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг сектор мудири, экономика фанлари кандидати Т. Мирзаев ва бошқа ўртоқларнинг лекциялари айниқса қизиқиш уйғотди.

Интизомни мустаҳкамлаш— ҳаммамизнинг вазифамиз

КПСС XXV съезди мамлакатимиз халқлари олдига улуғвор вазифаларни қўйди. Ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг йўл-йўриқлари коммунистлар анжумани материалларида аниқ ифодалаб берилган. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири қонунга қатъий риоя қилиш, халқ мулкини кўз қорачиғидек сақлаш, ҳуқуқ тартиби ва интизомини янада мустаҳкамлашдан иборат эканлиги уқдириб ўтилган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев бу борадаги ишларни узлуксиз яхшилаб бориш зарур эканлигини таъкидлаб шундай деди:

«Равшандирки, ўртоқлар, биз совет қонунларини, совет жамиятининг манфаатларини, совет гражданларининг ҳуқуқларини қўриқлаб турган милиция, прокуратура, судлар, юстиция органлари фаолиятини такомиллаштиришга ҳар доим эътибор бериб келдик ва бундан буён ҳам эътибор бераверамиз. Партия, давлат мана шу муассасалар ходимларининг машаққатли ва фахрли меҳнатини юксак даражада қадрламоқдалар, уларнинг составини яхши тайёрланган, муносиб кадрлар билан тўлдириш ғамини емоқдалар».

Шуниси қувончлики, Собир Раҳимов районидаги корхоналар, ташкилот ва муассасалар коллективларининг кўпчилиги ҳуқуқ тартибини мустаҳкамлашга социалистик қонунчиликни муҳофаза қилишга етарли даражада эътибор билан қарамоқдалар. Шунинг натижасида 1975 йилда «Компрессор», шинаремонти заводлари, пиллакашлик, бош кийимлари фабрикалари, рўзғор ускуналари ва мебель комбинати каби кўпгина корхоналарда совет қонунларининг бирон марта ҳам бузилишига йўл қўйилмади.

10-авторемонт заводида балоғатга етмаган ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Бу ерга ишга келган ҳар бир ўсмир партия, комсомол, касаба союз ташкилотининг диққат-эътиборида бўлади. Уларнинг ҳар бирига бириктириб қўйилган мураббийлар ёшларнинг ишлари, шунинг билан бирга, уларнинг ўқишлари ва уйда қандай яшашликларидан кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Коллектив томонидан сарфланаётган куч-ғайрат ўз самарасини бермоқда. 1975 йилда авторемонт заводида балоғатга етмаган ёшлар ўртасида биронта ҳам жиноят содир бўлгани йўқ.

«Янги ҳаёт», «Эркин», «Ленинчи», «Магазин мавзу», «Гуручариқ» каби маҳалла комитетларида ҳуқуқ қоидасини бузишликнинг олдини олиш юзасидан олиб борилган ишларда катта ижобий тажриба тўпланган. Бу маҳаллаларда ўртоқлик судлари, халқ кўнгилли дружиначилар совети ишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, маҳалла активининг йиғилишлари мунтазам равишда ўтказилади. Бу тадбирларнинг барчаси ўз навбатида коллектив ўртасидаги иқлимни соғломлаштиришга, тартиббузувчилар сонининг камайишига имкон бермоқда.

Мисол учун шина ремонти заводини олиб кўрайлик. 1973 йилда бу корхонада ишчиларнинг ишга кайф билан келиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомларини бузиш ҳоллари бир неча бор қайд этилган эди. Бундай хатти-ҳаракатларнинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Завод раҳбарлари бунинг олдини олиш учун жамоатчилик ташкилотлари ишини яхши йўлга қўйиш кераклигини англаб, ўртоқлик суди фаолиятини жонлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Илгари ҳеч қандай иш қилмаган ўртоқлик судининг составини илғор, актив ишчи ва хизматчилар ҳисобига янгиланди. Орадан кўп вақт ўтмаёқ, қабул қилинган тадбирлар ўз самарасини берди. Заводда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг бузилишига чек қўйилди, кайф билан келувчилар қолмади. Бу, ўз навбатида корхонага план топшириқларини муваффақиятли бажариш, маҳсулот сифатини бир мунча яхшилаш имконини берди.

Шуни айтиш керакки, районда ҳуқуқ-қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган ишларга доимо катта эътибор бериб келинмоқда. 1976 йилнинг ўзидагина район Совети ижроия комитети ўз кенгашларида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, жамоатчилик тартиби қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ бўлган 13 та масалани кўриб чиқди. Ана шу даврда районда ҳуқуқий мавзуга бағишланган 250 дан ортиқ лекция ўқилди, милиция, суд, прокуратура ходимлари билан ўнлаб учрашувлар ташкил қилинди. Энг муҳими сонда эмас, балки иш жараёнида эришилган натижада, албатта. Бу борада биз маълум даражада ютуқларга эришдик, деб айтаоламиз. Масалан, ўтган йили районда ундан олдинги йилдагига нисбатан қоида бузишлик сони бир мунча қисқарди. Бу яхши, албатта!

Агар масалага объектив равишда қарайдиган бўлсак, биз, районда бу борада ҳамма ишлар амалга оширилди, деб айтаолмаймиз. Коллективда қоидабузишликнинг олдини олиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилишида жавобгар бўлган баъзи бир раҳбар ходимларнинг бу ҳақда ғамхўрлик кўришлари у ёқда турсин, маъмурий органлардан келган ахборотларни тан олмаётган кишиларга дуч келмоқдамиз. Масалан, 1975 йилда район ички ишлар бўлими корхона ва ташкилотларга қоида бузган шахслар ҳақида 206 та ахборот йўллаган. Қоида бузувчининг хатти-ҳаракатини қонун бўйича ўн кун муҳлатда кўриб чиқилиши ҳамда қўлланган чора тўғрисида милиция органларига хабар қилиниши кераклигига қарамай, ана шу ахборотларнинг тўртдан уч қисми ҳамон жавобсиз қолмоқда. Шуниси ачинарлики, қаердаки ишчи ва хизматчилар томонидан қоида бузишлик кўпроқ содир бўлган бўлса, айниқса ана шу корхоналарнинг раҳбарлари милиция органларига кам маълумот йўллайдилар. Аввало, бу сўзлар «Геологоразведка», «Миконд», агрегат заводларига тегишлидир. Ишни бундай усулда олиб боришга ҳеч тоқат қилиб бўлмайди. Чунки, бундай ҳол районда ҳуқуқ қоидалари бузилишининг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган ишларга зиддир.

Текширувларда маълум бўлишича, майда ўғирликларга қарши кураш айниқса қониқарсиз аҳволда. Ҳар йили район корхоналарида маҳсулот, материал ва ускуналарни ўғирлаб- қўлга тушган ўнлаб ишчи ва хизматчилар ушланмоқда.

Ҳуқуқ қоидалари бузилишига қарши кураш олиб боришда ўртоқлик судлари ҳам муҳим роль ўйнаши керак. Уларнинг сони районимизда 200 дан ортиқдир. Бу, катта куч, албатта! Ўртоқлик судлари ўзларига берилган кенг имкониятлардан тўғри, онгли равишда фойдаланишлари қоида бузишликнинг олдини олишда олиб бориладиган ишларда кўп жиҳатдан ёрдам беради. Афсуски, райондаги баъзи бир корхоналарда мавжуд бўлган ўртоқлик судлари профилактика ишларини олиб бориш у ёқда турсин, содир бўлган қоида бузишликни муҳокама қилишдан ҳам бош тортадилар. Тажриба-механика, экскаватор ремонти заводи, 9-темирбетон заводи, 5-автопаркдаги ўртоқлик судлари мутлақо иш қилмайдилар. Ваҳоланки, худди ана шу коллективларда меҳнат унумдорлиги бирмунча паст, меҳнат интизоми бўшашган.

Қоида бузишлик ка чек қўйиш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан олдимизга қўйилган вазифалар партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан тарбиявий ва профилактика ишларини кучайтириш билан биргаликда, райондаги маъмурий органлар фаолиятини ҳам бундан буён янада такомиллаштиришни талаб қилади.

Район Советининг ҳамма депутатлари намунали интизом ўрнатиш учун олиб бориладиган актив курашда бирмунча фаоллик курсатишлари керак. Улар аввало район саноат корхоналари ва қурилишларида ишловчи ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ва маданий-оммавий ишларга катта эътибор беришлари керак. Шуни унутмаслик керакки, таъсир кўрсатишнинг маъмурий ва суд чора-тадбирлари билан тўла муваффақиятга эришиб бўлмайди. Ҳуқуқ қоидаларини бузишликка қарши курашда совет қонунчилигини ва социалистик жамият қоидаларини онгли равишда бажарувчи кишини ҳар тарафлама камол топтиришга асосий эътиборни қаратмоғимиз керак. Меҳнат интизоми — бош масаладир. Шунинг учун ҳам социалистик ҳуқуқ қоидаларини бузувчиларга қарши кураш ҳар бир меҳнаткашнинг ишидир.

Ғ. РАФИҚОВ,
Собир Раҳимов район ижроия комитетининг раиси.

●Қурилиш майдонларида

Қувончли ютуқлар

«Главташкентстрой»га қарашли 4-қурилиш трестининг 19.бошқармаси коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 106 йиллигини янги меҳнат ютуқлари билан қарши олмоқдалар. Владимир Старожук ва Евгений Сергеенколар бошлиқ комплекс бригадаларнинг коллективлари биринчи квартал топшириқларини муддатидан олдин бажардилар. Бу коллективларнинг меҳнат календарида ҳозир апрелнинг иккинчи ярми ишлари олиб бориляпти.

Бошқарманинг барча коллективлари 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича москваликлар ташаббусини якдиллик билан маъқулладилар. Шу кунларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг лаборатория биноси қурилишида ана шу меҳнат байрамига ўзига хос тайёргарлик бормоқда. Бу ерда Евгений Сергеенко бошлиқ бригаданинг барча 35 аъзоси 20 март куни ишга чиқдилар. Улар шу куни иккинчи қаватда деворларни ўрнатишиб, учинчи қаватда устунларни монтаж қилдилар. Шу куни шанбаликка чиққан электротехника институти коллективи эса қурилиш майдони атрофларини йиғиштириб, қурилиш материалларини тартибга келтирдилар, объект атрофини ободонлаштирдилар.

Шанбаликда 5 минг сўмликдан ортиқ ишлар амалга оширилди. Ҳар бир қурувчи ўз кунлик нормаларини 130—135 процентдан бажардилар. Шанбаликдан келадиган маблағ ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Фойдаланишга топширилди

Шаҳримизнинг Жуковский кўчасида тўрт қаватли 40 квартирали турар жой биноси қурилиши ниҳоясига етказилди. Уни 159-қурилиш трестига қарашли 8-бошқарманинг Василий Шуваров бошлиқ комплекс бригадаси бинокорлари бунёд этдилар. Ушбу турар жой биносининг пардозлаш ишларини эса шу трестнинг 25-бошқармаси сайқалчилари амалга оширишди.

Бугун фойдаланишга топширилган янги турар жой биносини давлат қабул комиссияси «яхши» баҳо билан қабул қилиб олди.

Ёш оилалар учун

Шаҳримизнинг 1-Қорақамиш массивида агрегат заводининг ёш оилали ишчи-хизматчилари учун 96 квартирали турар жой биноси бунёд этилмоқда. Хоналарнинг жойлаштирилиши ҳар томонлама қулай бўлган ушбу тўрт қаватли турар жой биносини 6-трестга қарашли 70-қурилиш бошқармасининг А. Зуфаров бошлиқ бригадаси бунёд этяпти.

Бригаданинг монтажчи Р. Прохоров, пайвандчилар Қ. Раҳмонов, Ғ. Олимжонов, ғишт терувчилар Н. Раҳматуллаев ва Т. Содиқов сингари пешқадам бинокорлари ўз нормаларини 1,5—2 ҳиссадан ошириб адо этишмоқда.

КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун жонбозлик кўрсатиб ишлаётган коллектив ҳар ойда 65—70 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга оширмоқда. Бунёдкорлар ёш оилалар учун мўлжалланган ушбу бинони Улуғ Октябрь революциясининг 59 йиллиги байрамигача фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

О. ҚОРАБОЕВ.

Асбобсозлик заводи коллективи коммунистик меҳнат зарбдори Лилия Ушакова номини ҳурмат билан тилга олади. Бунинг боиси бор албатта. Бу зарбдор ишчи узоқ йиллардан бери корхонанинг 12-цехида меҳнат қилиб келади. Шу кунларда Лилия Ушакова ўз зиммасига юксак мажбурият олиб ишламоқда. Унинг мақсади ўнинчи беш йилликни 3,5 йилда бажаришдир.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Киоска иши яхшиланди»

Газетанинг 23 январь сонида босилган «Киоска очиб берилсин» ва «Қуруқ савлатгами» сарлавҳали мақолаларда айрим киоскаларининг кўнгилсиз ишлаётгани танқид қилинган эди.

«Союзпечать»нинг Тошкент шаҳар агентлигидан олинган жавобда кўрсатилишича, Абдулла Авлоний маҳалласидаги 18- ва Шота Руставели кўчасидаги 23-киоскаларнинг ишлари нормал ҳолга келтирилди. Киоскалар мунтазам ишлайдиган бўлди.

«Тўйга кетаяпман»

Шу сарлавҳа остида газетанинг ўтган йил 25 ноябрь сонида босилган материалда такси шофери Т. Сопиовнинг йўловчини манзилига олиб боришдан бош тортгани танқид қилинган эди.

1-автокомбинат раҳбарларининг редакцияга маълум қилишича, Т. Сопиовга қаттиқ виговор эълон қилинган ва у ўтган йил мукофотидан маҳрум этилган.

«Тайёр баҳона»

12 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Тошкент гидромелиорация техникуми ётоқхонаси қурилиши чўзилаётгани танқид қилинган эди.

Техникум раҳбарларидан олинган жавобда кўрсатилишича, ўқувчилар ётоқхонага кўчиб киришган.

ЎРТА ОСИЁНИНГ ТЕКТОНИК КАРТАСИ

ФАН ОЛАМИДА

Ям-яшил водий ва далаларни чулғаган Тянь-Шань ва Помир тоғ тизмалари қорли чўққиларини кўкка чўзгани ҳолда виқор билан ястаниб ётибди. Бу улкан кўкўпар тоғларни шундай юксакликка қандай кўз илғамас кучлар кўтарди экан? Қандай сабаблар бўлиб, қачонлардир узала ётган тоғ жинслари, қатламлари ҳажм ва шакл жиҳатидан ҳар хил бўлган букламалар ҳосил қилди экан? Тоғ жинси қатлам қурилмалари қандай мўъжизалар оқибатида пайдо бўлди экан? Нима учун тоғ букламалари бир хил жойда худди пичоқ билан кесилгандай тик, бошқа жойда эса, қиялаб юз, минг ва ҳатто бир неча минг метр масофаларга силжитиб юборилган.

Юқорида айтганимиз — тоғ яратувчи кўз илғамас кучларни, шу кучлар туфайли ҳосил бўлган тоғ жинси қатлами бурмаларини, образли қилиб айтганда, ер қобиғининг қотиб қолган мушакларини геология фанининг кўп сонли тармоқларидан бири бўлган тектоника (грекча — «қурилиш» демакдир) текширади ва ўрганади.

Ўрта Осиё минерал хом ашёлари геологияси институтида яқинда Ўрта Осиёнинг биринчи марта яратилган тектоник картаси етук тадқиқотчилар даврасида кенг муҳокама қилиниб, юқори баҳоланди. Карта ўзининг ранг-баранглиги, катталиги билан кишини ҳайратга солади. Ундаги ҳар бир бўёқ ва ҳар бир чизиқ ер қобиғининг устки қисмларининг ички тузилишинигина эмас, балки анча теран ва ёш жиҳатдан кекса қурилма қаватларининг яширин қонуниятларини ҳам ўзида акс эттиради.

Икки катта институт (САИГИМС ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институти) ходимларининг геология ва минералогия фанлари докторлари М. О. Аҳмаджонов ва О. М. Борисовлар раҳбарлигида олиб борган узоқ ва машаққатли изланишлари жараёнида ер қобиғи структурасининг давомли ва мураккаб ҳаётидаги асосий хусусияти очиб берилди. Картанинг бунёдга келиши, бу демак, стратиграфия, палеонтология, литология ва магматизм бўйича бор далилларнинг умумлаштирилишигина эмас, балки ер қобиғидаги букилма ва синиқларнинг ҳосил бўлиш жараёнини тиклаш ҳамда уларнинг пайдо бўлиш сабабларини топиш ҳамдир.

Бунинг учун дала шароитида махсус илмий ишлар олиб борилди. Ўтиш қийин бўлган тоғ чўққилари ва довонлари, саҳро ва чўллар орқали кўп йўл босилди. Катта меҳнат зое кетмади. Бу меҳнатнинг асосий натижаси сифатида, қатор янги ва жуда мураккаб геологик боғланишлар очилди. Бу боғланишларни илгари геологлар хаёлларига ҳам келтирмас эдилар. Мазкур боғланишларнинг топилиши геологиядаги асосий вазифа — фойдали қазилмаларнинг янгидан янги хазиналарини қидириш усулига ўзгача ёндошишга олиб келади. Масалан, Тянь-Шань тизмаларининг асосий йўналиши шарқдан ғарбга интилган ҳисобланади. Карта муаллифлари бу асосий йўналишни кесиб ўтувчи тик, яъни жанубдан шимолга қараб борувчи ер синиқлари ёки қурилмаларини аниқладилар. Муҳими шундаки, Ўрта Осиёдаги маъданли конларнинг кўпи шу йўналишлар ўзаро кесишган жойларга тўғри келар экан. Бундан ташқари карта муаллифлари Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида ёши бир миллиард йилга тенг ва ундан ҳам кекса — кембрийгача бўлган даврга оид тоғ жинсларининг борлигини биринчи бўлиб очдилар, қуйи палеозой даври тоғ жинсларининг тахланиб ётиш жадвалига ўзгариш ҳамда аниқлик киритдилар. Юқорида қайд қилганларимиз сабабли, шу ўлка геологик ривожланиш тарихининг кўп бобларини қайта ёзишга тўғри келди.

Қорамозор ва Ҳисор тоғларида нураган вулқон қолдиқлари ва чўкинди-вулқоник қоплама жинслар борлиги бизга илгаридан маълум эди. Эндиликда шулар ғарбда Орол денгизидан — шарқда Андижонгача чўзилиб ётган улкан вулқон ёйининг фақат бир бўлаги эканлиги аниқланди. Бу вулқонлар бундан 300—280 миллион йил илгари, яъни тошкўмир даврида отилиб турган. Булардан ташқари Қорақум — Тожик геологик вилоятида ҳам мезазой ва кайназой даври қалин қоплама (гилоф) ётқизиқлари остида яна бошқа бир вулқон ёйи борлиги аниқланди.

Қадимги географик шароитларни тиклаш, уларни аниқлаш шуни кўрсатдики, илгариги вулқонлар ҳам, тахминан ҳозирги Тинч океанидаги ёй шаклида жойлашган вулқонли (андезитли) ороллар кўринишда бўлган. Ҳозирги вулқонли ороллар эса, океандаги йирик вулқонларнинг сувдан чиқиб турган чўққилари ҳисобланади.

Картага Красноводск ярим оролидан, Ҳисор тоғи ва Қорамозор орқали Иссиққўл томонга ўтиб кетувчи ҳамда перм даврига (бундан 280—220 миллион йил илгари) оид яна бир вулқон ёйи туширилган.

Ўрта Осиёнинг тектоник картаси муҳокама қилинганда академик И. Х. Ҳамробоев бош муҳаррирлигида Т. Н. Долимов, У. Р. Муҳаммаджоновлар тузган Ўрта Осиёнинг магматик комплекси (олқинди тоғ жинслари) ва уларнинг ёшларини таққословчи схемаси ҳам муҳокама қилинди. Бу карта муаллифлари уни тузишда фрациаль — формацион анализга асосланиб, Ўрта Осиё кўламида магматизмнинг ривожланиш даврлари эволюциясининг асосий белгиларини, уларнинг ҳосил бўлиши ер қобиғининг тартиби ва қалинлигига алоқадор эканлиги ҳамда уч хил типдаги магматизм тарқалган жойларни аниқладилар.

Юқоридаги зикр этилганлардан кўриниб турибдики, республикамиз заминидаги маъдан конларининг келажаги ғоят порлоқ. Сабаби, маъдан конларининг аксарияти магматик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Н. ЭШНАЗАРОВ,
геология-минералогия фанлари кандидати.

«ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ҒОЯЛАР КУРАШИ» НОМЛИ МОНОГРАФИЯ

Сиёсий адабиёт нашриёти СССР Фанлар академиясининг философия институти нашрга тайёрлаган «Ҳозирги замонда ғоялар кураши» номли уч томли коллектив монографиянинг иккинчи томини чоп этди. Иккинчи китоб «Ҳозирги капитализм: зиддиятлар ва доктриналар» қисмида совет мутахассисларининг фан-техника революцияси шароитида буржуа идеологияси проблемалари юзасидан олиб борган тадқиқоти умумлаштириб берилган.

Асар ўқитувчилар, студентлар, пропагандистлар, халқаро мавзуда лекция ўқувчилар учун, ижтимоий тараққиётнинг муҳим проблемалари билан қизиққан ҳамма кишилар учун мўлжаллаб чиқарилди.

(ТАСС).





«ТОШКЕНТ» АЛЬБОМИ

СССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси бўйича Давлат комитетининг «Прогресс» нашриёти «Тошкент» деб номланган ихчам фотоальбомни чоп этди.

Альбомнинг бошланишида филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қаюмовнинг Тошкент, унинг тарихи, тақдири ва одамлари ҳақидаги мақоласи берилган. Мақола ҳамда суратларга изоҳлар рус, ўзбек, инглиз, француз, немис ва араб тилларида чоп этилган. Альбомдаги ранг-баранг суратларда Тошкентнинг бугунги қиёфаси, гўзал меъморчилик ансамбллари, санъати ва маданияти, диққатга сазовор жойлари муҳрланган. Бу суратлар муаллифи Фёдор Редлих.

Альбом сўнгида Тошкент меҳмонлари учун мўлжаллаб, музейлар, театрлар ва меҳмонхоналарнинг адреслари илова қилинган.

СУРАТЛАРДА: «Тошкент» фотоальбомининг муқоваси; альбомда чоп этилган суратлар.

МАЛАКА ОШИРИБ ҚАЙТДИЛАР

Москвадаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тўқимачилик институтида Иттифоқимиздаги тўқимачилик ва енгил саноат билим даргоҳларида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш факультети очилган. Яқинда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бир группа ўқитувчилари ана шу факультетда малака ошириб қайтдилар. Улар таниқли олимларнинг ҳозирги замон илм-техникасига доир қизиқарли лекцияларни тингладилар. Айниқса, техника фанлари докторлари, профессорлар И. Г. Борзунов, А. Г. Севастьянов, В. А. Усенко, В. И. Гусев, П. В. Власовларнинг «Пахта ва химиявий толаларни йигириш», «Илмий ишларни олиб бориш назарияси ва жиҳозлари», «Квалиметрия» фани ҳақида»ги лекциялари катта таассурот қолдирди.

Пойтахт саноат корхоналари иши ва устоз олимлар лекциялари асосида ҳамшаҳарларимиз ҳам ўз кафедраларида янгидан-янги тадбирларни практикада амалга оширмоқдалар.

Қ. МАЛИКОВ.

•Табиат мўъжизалари

Ер остига яширинган кўл

Самг кўли Архангельск областида жойлашган бўлиб, узунлиги тўрт, эни икки километр, чуқурлиги эса 4—5 метрга тенгдир.

Жанубда кўлга катта ботқоқлик ёндошади. Кўлнинг кўп хусусиятлари бошқа кўлларникига ўхшаса-да, унинг сирли томони бор! У вақт-бевақт йўқолиб туради! У қуримайди, балки ер остига, сув шимиладиган тоғ жинсларидан иборат карст воронкасига қуйилиб, ер ости бўшлиғига кириб кетади. Кўл суви ер остига қиш охирида кириб, баҳор ойлари бир неча кунлар ичида яна тўлабошлайди. Сув билан бирга кўлга балиқ ҳам келади.

Самг кўли 3—10 йилда бир марта йўқолади. Шимол гидрометеорологик бош бошқармаси ходимлари кўлнинг чуқурлигини ўлчаб, унинг сув ости картасини туздилар. Улар кўлнинг кўп сирларини очдилар, аммо ҳали ҳам кўл тагидаги сув йиғилиш ҳавзасининг ҳажми ва унинг тузилиши жумбоғ бўлиб қолмоқда.

А. АКБАРОВ.

Ибн ҚАМОЛПОШШО

Нигористон

СУҲБАТ ОДОБИ ҲАҚИДА

Яхшилик қадрини билган жаҳонда,
Ўзга билмаса ҳам сен бил ҳар онда
Мол — сарфлаш учундир. Уни йиғиб қўйиш ва ҳасратини ейиш учун эмас!

Бировга манфаат етса агар сендан ғанимат бил,
Уйингга келса ҳар меҳмон егай ўз ризқини сендан.

Инсон ўз эҳсони билан зикр қилинади ва яхшилиги билан тилда номи ёдланади.

Лутфу-карами йўқ одам — одаммас,
Мевасиз дарахтдир, элга ҳамдаммас.
Маълумки, ҳосили бўлмаса дарахт,
Ҳурмати бўлмагай уни ҳамма вақт!

Ҳикоят: — Ҳикмат кўчасини кўп кезган тўғри йўл кўрсатувчи бир ҳаким айтди:

— Душманнинг мулойим савол-жавобидан уни тинч ва сокин деб ўйлама, унинг олдида ҳар хил беҳуда сўзларни тилга олма!

Нозик оёқ, кичик жуссали пашша,
Йўғон ўргимчакка дўқ урди бир кун:
— Қўйган қопқонимга тушсанг агарда,
Кўзинга жаҳонни қилгум қаро тун!

Киши кийим билан гўзал эмас, балки ҳунар билан гўзалдир. Эшакка атласу-гилам ёпганлари билан барибир, эшаклигича қолади:

Агар ялтираб ёнувчи гавҳар ифлосликка тушса ҳам барибир нафисдир. Агар ит гулобга тушса ҳам барибир ифлосу хабисдир.

Тупроққа булғанса зар барибир зар,
Эшакка зарбоф ёп барибир у хар!

Ҳикоят: — Афлотуннинг ўнг қўлга узук таққанини кўрдилар ва ундан:

— Одатингни ўзгартирибсан, бунинг ҳикмати нима? — деб сўрадилар.

— Фойдасиз сўзловчи ким эканини билмоқчиман! — деб жавоб берди у.

Ўта қизиқ агар бўлмаса ҳам иш,
Қизиқиб сўрасанг беҳуда сўзсан.

Дўст шундай кишики, сенга ҳақиқатни гапиради, камчилигингни кўриб туриб, уни хаспўшламайди.

Айбингни юзингга айтган душманинг,
Айбингни яширган дўстдан яхшидир.

Насиҳат: — Душманинг сендан устун ва қўли баланд бўлса, у билан тенглашишга уринма, нотавон панжани ранж тортишдан қайтар.

Ўзидан кучлига ким панжа урар,
Ҳаётнинг кулфату-ранжини кўрар.
Нон орзусида бировга тама кўзини тикма,
пашша каби ўзгалар косасига ўзингни отма!

ТАРБИЯ ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

Айтишларича, Кашмирда бир амир бор эди. Унинг аҳли тадбир бир вазири бўлиб, вазир ва амир орасида тарбиянинг таъсири ҳақида сўз кетди. Вазир доно ва соҳиб тадбир кишининг ўғли бўлиб, амирга деди:

— Агар кишининг аслида ёмон хулқ бўлса ва зотида қобилият гавҳари бўлмаса, ҳеч бир мураббийнинг тарбияси таъсир қилмайди.

Байт:

Пасткашга тарбия қилмайди асар,
Тол бермагай ҳеч вақт меваю-самар.

Амир соддадил йигит эди, жаҳоннинг ҳийлаю-найрангидан ғофил эди. Шунинг учун вазирнинг фикрига қарши эди ва дерди:

— Сен одамнинг аслига қарама, юмшоқ ипак ҳам аслида хунук қуртнинг маҳсулидир!

Амир ўз сўзини исботлаш учун вазирни бир куни сарой ичкарисига таклиф этди. Дастурхон ёзилиб, орага ноз-неъмат қўйилган пайтда, бир тўда мушуклар қўлларида шам тутиб, дастурхон устига келиб турдилар.

Ўртага ёзилгач, алвон дастурхон,
Мушуклар саф тортиб туришди ҳарён.

Амир вазирга деди:

— Эй қайсар киши, ўз хатойингни кўрдингми? Айтчи, бу мушукларнинг авлод-аждоди шам тутувчи бўлганми? Бу тарбиянинг таъсиридир!

Вазир жавоб қилишга шошмади. Иккинчи куни оқшом пайтида яна ўша жойга келди. Аввалгидек мушуклар яна шам кўтариб, ҳозир бўлдилар. Вазир ичига уч-тўрт сичқонни яшириб келган эди. Уни мушуклар томон қўйиб юборди. Сичқонни кўрган мушуклар одоб-таълимини ҳам унутиб, ўзларини сичқонга отдилар. Шамлар ерга тушиб ўчди. Сичқонни қувиб, атрофни ҳам, дастурхонни ҳам ифлос қилдилар. Шунда вазир деди:

— Кишининг устига қараб, ичини тоза деб бўлмайди. Улар зоҳиран тарбия олса-да, табиатига ўрнаган феълдан холий эмаслар!

(Давоми бор).

•Ижодий муассасаларда

«ҚЎШИҒИМСАН СЕН МЕНИНГ»

«Ўзбекфильм» киностудиясида М. Иброҳимбеков сценарийси асосида «Қўшиғимсан сен менинг» деб номланган янги бадиий фильмни суратга олиш тугалланди. Янги фильм ёшларнинг орзу-ўйлари, коммунистик жамият қурилишдаги шижоатли меҳнатлари, соф ва беғубор муҳаббатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Фильмни режиссёр А. Қобулов бошчилигидаги ижодий группа суратга олган. Асосий ролларни О. Омонгелдиев, А. Юнусова, С. Норбоева, Н. Раҳимов, Р. Саъдуллаев, Л. Милькова ва бошқалар ижро этганлар.

Фильм тез орада республикамиз экранларига чиқарилади.

М. МИРРАЖАБОВ.

СЕКЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

Республикамиз театрлари ва ижодий коллективларида хизмат қилаётган санъаткорларнинг кўпчилик қисмини ёш истеъдодли актёрлар ташкил этади. Уларга ижодий йўлланмалар бериш, таниқли санъаткорлар тажрибаларини ўргатиш шу куннинг асосий талабларидан биридир.

Кўпи-кеча Ҳамза номли театрда Ўзбекистон ССР Театр жамияти ва Тошкент шаҳар комсомол комитети ташаббуси билан ёш ижодкорлар секцияси иш бошлади. Секцияда актёрлик маҳоратини тинмай эгаллашга ҳаракат қилаётган ёшлар иштирок этиб, устоз санъаткорлар маслаҳатларини тингладилар.

Республика театрлари ва ижодий уюшмаларида саҳналаштирилган асарлардан парчалар намойиш қилиб, ўзларининг тажрибаларини ўртоқлашдилар. Секциянинг кейинги машғулоти А. Навоий ва Муқимий номли театрларда ўтказилиши планлаштирилди.

•Техника янгиликлари

ОЗАРБАЙЖОН ОЛИМЛАРИНИНГ ИХТИРОСИ

Озарбайжон Фанлар академияси нефть кимёси жараёнлари институтининг олимлари ихтиро қилган реагент ёрдами билан бир куб метр ифлос сувни тозалаш чорак тийинга тушади. Корхона мутахассислари бу янгиликнинг арзонлигидан бошқа томонларига ҳам қизиқиб қарамоқдалар. Шу реагент воситасида ишлов берилган сув юмшаб, дистиллангандек бўлиб қолади, коррозияга бардош бериш хоссасини олади. Бинобарин, энергетика қозонлари, сув қувурлари ва бошқа ускуналарнинг хизмат муддати узаяди.

Инженер Земфира Ҳалилова бу «мўъжиза» қандай рўй беришини кўрсатади. Ер ости қатламларидан нефть билан бирга чиққан сариқ сув солинган идишга бир неча томчи суюқлик томизади. Шунда ҳар бир томчи атрофига ипирик модда уюшади. Идиш салгина чайқатилса, кўз ўнгингизда сув тиниқлашади, идиш тагида чўкинди пайдо бўлади. Саноат шароитларида шу чўкиндидан фойдали кимёвий элементларни ҳам ажратиб олиш мумкин. Шу мақсадда иккита агрегат қурилияпти, тинган сувдан эса ҳар қандай техникавий мақсадларда фойдаланавериш мумкин. Саноатда ишлатиладиган жуда кўп чучук сув аҳоли эҳтиёжларига бўшатилади.

«Каспморнефть» бирлашмаси олимлари ва мутахассислари янги реагент ёрдамида оқинди сув ва табиий минерал сувни тозалаш технологиясини ишлаб чиқдилар. «Нефтегаз» заводида ишлайдиган қурилма лойиҳаси шу технология билан ишланди. Бу ердаги қурилма корхонанинг ҳамма оқинди сувини зарарсизлантириб, айланма сув таъминоти системасига юбориб туради.

(ТАСС мухбири).
Боку.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

•Социализм мамлакатларида

ПРАГА АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ

ПРАГА. Яқин йиллар ичида Чехословакия пойтахти ёнида 380 минг киловатт қувватга эга бўлган атом электр станцияси қурилади. Янги АЭСда ҳар бири Воронеждаги сингари 440 минг киловатт қувватли иккита реактор ўрнатиш мўлжалланади. Бу реакторлар Пльзендаги В. И. Ленин номли «Шкода» машинасозлик комбинатида тайёрланади.

ЗАВОД БИНОЛАРИ КЎЧИРИЛАДИ

БУДАПЕШТ. Бу йил пойтахтдаги 15 га яқин завод ва фабрика ҳукуматнинг бундан илгари қабул қилган программасига мувофиқ бошқа шаҳарларга кўчирилади. Мазкур программа саноат жиҳатидан камроқ ривожланган районларни индустрлаштиришга, шаҳар ободончилигига, уй-жой қурилишига халақит бераётган корхоналарни вилоятларга кўчиришга кўмаклашмоғи лозим.

Ўтган беш йил мобайнидагина Будапештдаги 60 саноат корхонаси, 116 та ишлаб чиқариш участкаси ва цехларнинг вилоятларга кўчирилганлиги шу программанинг муваффақият билан амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

СОФИЯ БИНОКОРЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТИ

СОФИЯ. Болгария пойтахтида қурилаётган районларга «Надежда», «Модерно Предградие» «Младост» деган номлар берилди.

Ҳозир мана шу йирик уй-жой комплексларида пардозлаш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

София бинокорлари БКП XI съездини зарбдор меҳнат билан кутиб олмоқдалар. Улар съездгача Софиядаги 3 минг аҳолини янги квартиралар билан таъминлаш тўғрисида олган юксак социалистик мажбуриятларини ғайрат билан бажармоқдалар. Беш йилликнинг дастлабки йилидагина Софияда ўтган беш йилликнинг шу давридагига қараганда икки баравар кўп— жами 11 минг квартира қурилади.

«РОЛЬИМПЭКС» ЭКСПОРТ ҚИЛМОҚДА

ВАРШАВА. Қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик экинлари учун Польша Халқ Республикасидан бошқа мамлакатларга уруғлик етказиб бериш ўтган беш йил ичида қарийб икки баравар кўпайди. Польшада етиштирилган кузги жавдар, сабзавот, дуккакли экинлар, шунингдек манзарали ўт, гулларнинг навлари Европадаги кўпгина мамлакатларда ғоят манзур бўлди. Бу уруғларни социалистик давлатлардан ташқари Франция, Италия, Голландия ва бошқа мамлакатлар ҳам сотиб олмоқда.

Уруғликнинг қарийб тўртдан уч қисми социалистик мамлакатларга юборилмоқда.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БАНГКОК. Ҳар йили Таиландда овқат етишмаслигидан силласи қуриб, 100 мингга яқин бола нобуд бўлиб туради. Соғлиқни сақлаш министрлиги шу ҳақда хабар қилиш билан бирга мамлакатнинг қишлоқ районларида бола нобуд бўлиши айниқса кўплигини ҳам уқтиради.

***

ТЕҲРОН. Эрон парламенти мамлакатда янги йил ҳисобини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳисоб милоддан 558 йил аввал қадимги Эрон шоҳи Кир (Куруш) тож кийган йилдан бошланади. Шундай қилиб, Эронда шу йил 21 мартдан 2535 йил бошланди.

Мамлакатда бундан аввал амалда бўлган санан шамсия (қуёш календари) парламентнинг қарори билан бекор қилинади, лекин диний мулоҳазаларга кўра мамлакатда қуёш календари билан бир маҳалда санан қамария (ой календари) ҳам сақланиб қолади. Санан қамарияга мувофиқ ҳозир Эронда 1395 йил бормоқда.

***

ЛУСАКА. Замбия пойтахтида совет китобларини сотиш виставкаси очилди. Унда марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқлари ва докладларининг тўпламлари, бадиий адабиёт, илмий-техника адабиёти ва сиёсий адабиёт, совет музикасининг грампластинкалари, почта маркалари бор.

(ТАСС).

СОВЕТ ЭНЕРГЕТИКЛАРИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

ЛУСАКА. Замбиянинг қишлоқ районларини электрлаштириш давлат плани муваффақият билан амалга оширилмоқда. Шу планнинг бажарилиши мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини ва саноатини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади, деди Замбия электр корпорациясининг бош бошқарувчиси А. Мкандавире.

Қишлоқ хўжалигини электрлаштиришда замбияликларга совет энергетиклари кўмаклашмоқда. Уларнинг иштирокида олис ва етиб бориш қийин бўлган районларда иккита электр станция қурилди. Булардан бири Замбези билан Лвангви дарёлари туташган Фейра шаҳрида барпо этилди. Иккинчи станция шарқий вилоят чангалзорларида, Лундазида барпо этилди. Шу станциялардан тортилган электр симлар саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини, кўпгина шаҳар ва посёлкаларни электр энергия билан таъминлайди.

Ҳозирги вақтда совет мутахассислари Исока, Чинсали ва Наконде шаҳарларини электрлаштиришда ёрдам бермоқда.

Хитойда ички сиёсий кураш

ПЕКИН. Хитой матбуотида маочилар партиясида расмий равишда «икки йўлнинг бир-бирига қарши кураши» деб аталган кескин кураш давом этаётганлигини очиқдан-очиқ эътироф қилувчи катта-катта материаллар кун сайин эълон қилинмоқда. «Жэньминь жибао» ва «Гуанмин жибао» газеталари «партияда ҳокимият тепасида турган ва капиталистик йўлдан бораётган шахслар»га нисбатан кескин ҳужум қилмоқда. «Ўнг оғмачиларнинг тузалишни қайсарлик билан истамаётган бошлиғи» устига айниқса оғир айблар қўйилмоқда. Очиқ матбуотда ҳозирча бу кишининг номи тилга олинаётгани йўқ.

Айни вақтда сон-саноқсиз дацзибаоларда бу айбдорлар номба-ном санаб ўтилмоқда. Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Дэн Сяо — Пингина эмас, балки у билан бирга бош министрнинг яна бир ўринбосари Ли Сянь—Нянь, шунингдек мудофаа министри Е. Цзяньин, маориф министри Чжоу Жун—Синь, маочилар партияси вилоят комитетларининг биринчи секретарлари Ляо Чжи — Гао, Чжао Цзи —Ян, Чжан Пин—Хуанинг бошқа кўпгина арбобларнинг номлари ҳам кўрсатиб ўтилмоқда.

Шундай қилиб, энди гап «маданий революция ғалабаларини мустаҳкамлаш» тўғрисидаги чақириқлар билан ниқобланаётган Пекин раҳбарлигида кризис тобора чуқурлашаётганлиги тўғрисида бормоқда.

ЗАҒИЗҒОН ВА ЭЛЕКТР

ТОКИО. Японияннинг Кюсю оролидаги Сага префектурасининг электрчилари кўклам яқинлашаётганлигини... электр симлари туташиш ҳолларининг кўпайганлигига қараб сезишяпти. Зағизғонлар уя қура бошлади. Улар одатда уя қуриш учун баланд дарахтларнинг учини танлашади. Аммо кейинги йилларда префектурадаги кўпгина дов-дарахтли участкалар анча сийраклашиб қолди. Баланд дарахтлар қарийб қолмаганлигидан паррандалар электр линияларининг устунларига «кўчиб ўтишга» мажбур бўлишди. Зағизғонлар шох-шабба билан бирга симдан ҳам «қурилиш материали» сифатида фойдалана бошладилар. Шунинг натижасида электр симларининг туташиш ҳодисаси рўй беряпти. Бултур ушбу префектуранинг электр линияларида қирқдан ошиқ авария юз берди, шундан қарийб учдан бири паррандаларнинг айби билан бўлди.

(ТАСС).

Бутун Италия бўйлаб ишсизликнинг кенгайиб бораётганлигига қарши меҳнаткашларнинг оммавий чиқишлари давом этмоқда.

СУРАТДА: Милан шаҳри меҳнаткашларининг митинги.

А. Смирнов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройининг «Юлдуз» рақс ансамбли Узбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган ансамблдир. Унинг қатнашчилари репертуари СССР ва Шарқ мамлакатлари халқларининг рақслари билан тобора бойиб бормоқда.

СУРАТДА: ансамбль янги рақс ўрганаётир. Р. Альбеков фотоси.

•Газетага савол йўллабсиз

БИЛИМ ВА МЕҲНАТ

Тошкент Давлат университети ва политехника институти қурилиш факультетининг студентлари О. Мавлонов, К. Сапоев, Қорақамиш массивида истиқомат қилувчи Б. Умаров, Тошкент қишлоқ хўжалик техникумининг студенти Х. Матжоновлар редакцияга мактуб йўллашиб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзлар тўғрисида маълумот беришимизни сўрашган. Қуйидаги материални уларнинг илтимосларига мувофиқ тайёрладик.

Кечки, сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган ишчи ва хизматчиларнинг имтиёзлари ва уларнинг мажбуриятлари СССР Министрлар Советининг 1959 йил 2 июлда қабул қилган «Кечки ва сиртқи олий ўқув юртларининг студентлари ҳамда кечки ва сиртқи ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг имтиёзлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Узбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексининг тегишли моддаларида белгиланган.

Шунга кўра, кечки ва сиртқи олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топширишга рухсат олишган ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда 15 календарь куни давомида, ўрта махсус ўқув юртларига кирувчиларга эса 10 календарь кунига отпуска берилади. Ўқув юрти жойлашган ерга етиб бориш ва қайтиб келиш учун кетадиган вақт бу отпускага киритилмайди.

Олий ўқув юртларида муваффақиятли таълим олаётган студентларга лаборатория ишларини бажариш, зачёт, имтиҳон топшириш даврида ҳар йили иш ҳақи сақланган ҳолда, биринчи ва иккинчи курсларда 20 календарь куни, учинчи ва ундан кейинги курсларда эса 30 — календарь кунидан иборат отпуска берилади. Кечки ва сиртқи ўрта махсус юртларида муваффақиятли ўқиётган ўқувчиларга лаборатория ишларини бажариш, зачёт ва имтиҳонлар топшириш даврида ҳар йили биринчи ва иккинчи курсларда 10 календарь куни, учинчи ва ундан кейинги курсларда эса — 20 календарь кунидан иборат отпуска берилади.

Кечки ва сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган студент ва ўқувчиларга давлат имтиҳонлари топшириш чоғида 30 календарь куни отпуска бериш белгиланган. Кечки ва сиртқи олий ўқув юртларининг студентларига диплом лойиҳасини тайёрлаш ва ёқлаш даврида 4 ой муддатга, кечки ва сиртқи ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига эса —2 ой муддатга иш ҳақи сақланган ҳолда отпуска берилади. Ушбу отпускалар даврида ишчи ва хизматчиларнинг сўнгги 12 ой ҳисобида олинадиган ўртача иш ҳақи сақланади. Лекин бу ҳақнинг миқдори олий ўқув юртлари студентлари учун 100 сўмдан, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари учун 80 сўмдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Кечки ва сиртқи олий ўқув юртларининг студентлари ҳамда кечки ва сиртқи ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари диплом лойиҳаси (иши)ни тайёрлашларидан ёки давлат имтиҳонлари топширишларидан олдинги 10 ўқув ойи даврида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда, ҳафтада бир кун ишдан ҳоли бўлишга ҳақлидир, бундай ҳолларда шу кун учун тўланадиган иш ҳақининг эллик проценти миқдорида, лекин, минимал иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан ҳоли бўладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради. Лекин ишдан ҳоли бўладиган соатлар миқдори сақланиб қолади.

СССР Министрлар Советининг меҳнат ва иш ҳақи Давлат комитети ва ВЦСПСнинг 1967 йил 12 июлда чиқарган тушунтириш хатига асосан, беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан иш ҳақининг 50 проценти сақлангани ҳолда бериладиган холи кунларнинг сони олти иш кунлик ҳафтадаги каби 36 ўрнига 31,5 ёки 31 кунни ташкил қилади.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ўқув отпускалари олий ўқув юртларида ва техникумларда муваффақиятли ўқиётган студент ва ўқувчиларга берилади.

Студент ва ўқувчилар ўқув планларини бажарган тақдирдагина ўқув юртдан навбатдаги сессияга ёки диплом лойиҳасини ҳимоя қилишга чақириқ қоғозини оладилар. Бундай чақириш ўқув отпускаси беришга асос бўлади. Чақириқ қоғозини олиш билан ходим отпуска берилишини талаб қилишга ҳақли бўлади. Маъмурият эса бундай отпускани беришга мажбурдир. Отпускага кетишдан аввал юқорида айтиб ўтилган усулда ҳисоблаб чиқарилган пул суммаси ходимга тўланиши керак.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти сиртқи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётганларнинг лаборатория ишларини бажариш ва зачёт ҳамда имтиҳонлар топшириш мақсадида шу ўқув юртлари жойлашган ерга боришлари ва у ердан қайтиб келишлари учун йилига бир марта эллик процент миқдорда йўлкира ҳақи беришга мажбурдирлар. Бундан ташқари, диплом лойиҳаси (иши)ни тайёрлаш ва ёқлаш, давлат имтиҳонлари топшириш учун бориб-келинганда ҳам шундай миқдорда йўлкира тўланади.

Ўқув отпускалари конкрет мақсадга тайинланган бўлиб, уни маъмурият пул компенсацияси билан алмаштириш ёки ходимнинг илтимосига кўра, бошқа муддатга кўчиришга йўл қўйилмайди. Бундай отпуска ўқув юртлари кўрсатган муддатга берилиши ва шу муддат ичида фойдаланилиши керак.

М. КАМОЛХЎЖАЕВ,
юрист.

•Давр нафаси

ЮЗ ҲИЛ КАСБ БЎЙИЧА

«20-йилларнинг ўрталарида фабрика – завод-шогирдлик мактабларида дастлабки битиришлар бошланди. 1925 йилнинг май ойида Урта Осиё бош темир йўл устахонаси (ҳозирда Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи) учун фабрика-завод мактабини 17 ёш битириб чиқди. Барча битирувчилар назарий, умумтаълим ва техника тайёргарлигидан ташқари ишлаб чиқариш сирларини етарли эгаллайдилар.

«Правда Востока» газетаси. 1925 йил 13 май.

Ҳозирги пайтда Тошкентда ишлаб турган мавжуд билим юртларида 21 мингдан зиёд бўлғуси мутахассис касб эгалламоқда. Ўтган беш йилликда ҳунар-техника билим юртлари 34 минг малакали ишчини тайёрлади. Ҳозирда улар пойтахт завод ва фабрикаларида меҳнат қилаётган ишчиларнинг салмоқли қисмини эгалламоқда. Шаҳар ҳунар-техника таълими системаси 1980 йилгача саноат учун 55 минг юқори малакали мутахассис тайёрлаб беради. Шундан 10600 ёш ўрта маълумотли бўлади.

•Ҳар тўғрида

МУТАХАССИСЛАР ИХТИРОСИ

Братислава изоляцион материал илмий-тадқиқот институтида яратилган трансформатор мойи трансформаторларнинг хизмат муддатини икки баравар узайтиради.

«БИФАЛО»

АҚШда, деб хабар беради «Фармерез уикли» журнали (Англия), буйвол билан голштин зот сигирни чатиштириш натижатида «Бифало» деб ном берилган дурагай зот чиқарилган. Мутахассисларнинг фикрича, шундай дурагай зотни кўпайтириш ва боқиш концентрация этилган ем тежалгани ҳолда гўшт етиштиришни анча кўпайтиришга имкон беради. «Бифало»нинг янги туғилган бузоғи 23— 27 килограмм келгани ҳолда орадан ўн ой ўтгач тирик вазни 450 килограммга етади!

Пластмасса пневмоподшипниклар

Англияда ясалган пластмасса пневматик подшипник қўлланса тўқимачилик машиналари қарийб шовқин чиқармай ишлайди ва уларнинг иш унуми кўтарилади. Бундай подшипниклар, деб хабар беради «Нью Сайентист» журнали, аниқ қолиплаш йўли билан ясалади.

▲ РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ИККИ КИШИЛИК САМОЛЁТ

Калифорниялик ҳаваскор-конструктор Пауль Моллерни мутахассислар саккиз моторли учувчи аппарат — «Дискоджет»ни муваффақиятли равишда яратгани билан мақташди. Уларнинг фикрича бу самолёт-вертолёт оммавий равишда ишлаб чиқаришга тавсия этишга арзийдиган томонларга эга экан. Ана шундай мақтовлардан хурсанд бўлиб кетган конструктор бутун дунёни у яратган «Дискоджет»ларини ишлаб чиқаришга ва ҳар йили спортнинг янги тури бўйича жаҳон чемпионатларини ўтказиб туришга чақирмоқда.

Алюмин ва пластмассадан ясалган аппарат оддий, енгил ва тежамлидир. У икки кишига мўлжалланган. «Дискоджет» горизонталь бўйича соатига 300 километргача тезликда ҳаракат қилиши, вертикаль тарзда учиши ва қўниши мумкин.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТАШХЛЕБТОРГ»

КАФЕТЕРИЯ БУЛИМЛАРИДА КОНДИТЕРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, НОН ВА НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БУЙИЧА КИЧИК СОТУВЧИЛАР ТАЙЕРЛАЙДИГАН 3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

УҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 42 СУМДАН 48 СУМГАЧА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Курсларга 8—10-синф ҳажмидаги маълумотлилар қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР — 15 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

Курсларга кирувчилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 3 дона фотосуратларни топширадилар:

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Тимирязев кўчаси, 2-уй. Кадрлар бўлими (19, 47-автобусларнинг «Ташхлебторг» бекати).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ

8-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда минорали кран машинистларини тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 18 ЁШДАН КИЧИК БУЛМАГАН ҲАМДА КАМИДА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

УҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 75 СУМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ. ЕЛҒИЗ КИШИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй, ўқув комбинати («Радость» магазини қаршисида).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23|III да **Абу Райҳон Беруний,** 24|III да **Оқшомдан тушгача.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24|III да **Жон қизлар,** 25|III да **Комедия, комедия, ёхуд ҳангома** (12.00), **Кўнгли ёш қариялар** (кечқурун).

КИНО

23 МАРТДА

Саҳро ва чангалзорларда — С. РАҲИМОВ номли (17.30, 20.15), «УЗБЕКИСТОН», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Мени ёлғиз қолдирма — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Хўрланганлар — «НУКУС» (17.00, 20.00).

Биринчи муҳаббатим — «ЯНГИОБОД» (17.00, 19.00).

24 МАРТДА

Саҳро ва чангалзорларда — С. РАҲИМОВ номли (11.30, 14.30, 17.30, 20.15), «УЗБЕКИСТОН», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Мени ёлғиз қолдирма — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Хўрланганлар — «НУКУС» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Рам ва Шам — «ЯНГИОБОД» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Е. ШВАРЦ.

Узбекистон ССР халқ артисти, Абдулла Тўқай ва Ҳамза мукофотлари лауреати Т. У. Хўжаев таржимаси.

«ҚОР МАЛИКАСИ»

(3 пардали эртак).

Саҳнага қўювчи режиссёр — Узбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист В. И. ИОГЕЛЬСЕН.

Рассом — Г. БРИМ.

Рақсларни саҳналаштирувчи — Узбекистон ССР халқ артисти, Узбекистон ССР Давлат Ҳамза мукофоти лауреати Б. А. ВАСИЛЬЕВ.

Режиссёр ассистенти — Ж. Зокиров.

Кийимлар бўйича рассом — Е. ОТТЕНСОН.

Музика раҳбари — Д. В. ПРАСС.

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати конторасы

ТЕЗ КУНДА

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«ШАҲАРЛИКЛАР»

РАНГЛИ, КЕНГ ФОРМАТЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

Сценарий муаллифи — ВЛАДИМИР КУНИН.

Постановкачи-режиссёр — ВЛАДИМИР РОГОВОЙ.

Ролларда: НИКОЛАЙ КРЮЧКОВ, МАРИНА КУКУШКИНА, БОРИС ЧИРКОВ, ЛЮДМИЛА ХИТЯЕВА, ГЕОРГИЙ ЮМАТОВ, ОЛЕГ ДАЛЬ ВА БОШҚАЛАР ҚАТНАШАДИЛАР.

ФИЛЬМНИНГ БОШ ҚАҲРАМОНИ — КЕКСА ТАКСИ ШОФЕРИДИР. У ЎЗ ХИЗМАТ БУРЧИНИ АДО ЭТИШДА ҲАР ХИЛ КИШИЛАР БИЛАН УЧРАШАДИ ВА ДОИМО ЎЗИДАН ҲАМДА КИШИЛАРДАН ПРИНЦИПИАЛЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.

М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФИЛЬМЛАРИ МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ҚИЗИЛ ОЛМА»

(Чингиз Айтматовнинг шу номдаги ҳикояси асосида)

Сценарий муаллифлари: ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ, ЭЛЬГА ЛИНДИНА, ТОЛОМУШ ОКЕЕВ.

Постановкачи-режиссёр — ТОЛОМУШ ОКЕЕВ.

Ролларда: СУЙМЕНКУЛ ЧЎҚМОРОВ, ГУЛСАРА АДЖИБЕКОВА, ТАТТУБЮБЮ ТУРСУНБОЕВА, АНОРА МАКЕКАДИРОВА ВА БОШҚАЛАР ҚАТНАШАДИЛАР.

ФИЛЬМ МУҲАББАТ ВА ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

«ҚИРҒИЗФИЛЬМ»
КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

23 МАРТ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Петя лақабли қуёнча қандай қилиб шаҳарга борди». Болалар учун қўғирчоқ фильм. **Рус тилида:** 18.20 Усмирлар учун. «Старшеклассник». 19.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мардлик—мангулик» (ўзб.). 19.35 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 19.50 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Зорин олиб боради. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.50 Ун минут музика. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Қўшиқлардан концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 ҚҚАССР ва Узбекистон областлари театрларининг телевизион фестивали. А. Петрашкевич. «Ташвиш». М. Горький номли Фарғона Давлат рус драма театрининг спектакли. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.00 «Сиз бунга қодирсиз». Ихтирочилар конкурси. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал 19.25 «Жаҳон халқларининг ижоди». **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 19.50 Самад Вурғун. Адабий кўрсатув. Шоир туғилган куннинг 70 йиллигига. 20.35 «Уста». Узбектелефильм студиясининг телевизион ҳужжатли фильми. **Москва кўрсатади.** 20.50 Ж. Лондон туғилган куннинг 100 йиллигига. «Смок ва кичкинтой». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 Ленин мукофотига номзодлар. И. Андронников. Большой зал ҳақида хотиралар. 23.55 Коньки бўйича аёллар ўртасида СССР чемпионати. Медео яхмалагидан олиб кўрсатилади. 00.05 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.00 «Ҳозирги замон совет поэзиясига обзор». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 19.30 «Организм ва ташқи муҳит». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 Бир полк музикачилари. Бадиий фильм (ўзб.).

24 МАРТ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг КПСС XXV съезди делегати, узоқ манзилларга сузиш капитани В. К. Тихосёупов билан учрашуви. 11.10 «Смок ва кичкинтой». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.15 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.00 «Иккинчи қўриқнинг резервлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.25 «Биз табиат билан танишамиз». 16.40 «Планета ёшлари». **Тошкент кўрсатади** 17.25 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 17.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қизил галстук» Тележурнал. 19.00 «Миллионлар ленинча университети», «КПСС XXV съезди ўнинчи беш йилликнинг асосий иқтисодий вазифалари тўғрисида». **Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Партия планлари —халқ планлари» «Тошкент метроси қурилишида». **Узбек тилида:** 20.00 «Иқбол» программаси. «Қизлар даврасида», «Наврўз байрами»га бағишланади. 21.00 «Ахборот»» информацион программаси. 21.20 Узбекистон композиторларининг VII съезди олдидан. «Композиторлар — студиямиз меҳмони». **Москва кўрсатади** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. Болгария —СССР терма командалари. Болгариядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида спортлото тиражи. 23.45 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.25 «Фан оламида». 17.55 Болалар учун. «Буратинонинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 Телетомошабинларнинг саволларига СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Г. Афанасьев жавоб беради. 20.00 «Баҳор кайфияти». Концерт. 20.30 «Смок ва кичкинтой». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. **Тошкент кўрсатади** 22.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 70-йиллар комсомоллари» (рус). 22.30 «Ковпак ҳақида ўйлар». Бадиий фильм (ўзб). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа Тошкент кўрсатади 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 19.00 Укитувчи экрани. 19.30 «Тошкент» телепрограммаси. «КПСС XXV съезди қарорлари—ҳаётга!». «Тошкент область саноат ходимларининг янги марралари». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Кўҳна девор». Бадиий фильм (рус). 21.50 «Организм ва ташқи муҳит». Биологиядан ўқув кўрсатуви (ўзб).

Узбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг собиқ раиси

Содиқ Ҳусанович

ҲУСАИНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ҳамда марҳумнинг оила аъзоларига ва яқин кишиларига таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ маориф бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 13-мактаб педагогика коллективи шу мактабнинг рус тили ўқитувчиси Ф. М. Спектерманга турмуш ўртоғи

Алексей Семёнович

ГУТМАНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.

23 МАРТ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Р — 0229. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр В—3044.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33.02.49 дан 33.02.58 гача, Эълонлар бўлими — 33.81.42.